



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 10 (12.571)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Қарор ва ижро

СОЛИҚ СИЁСАТИДАГИ ЯНГИЛИК ВА ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистонда иқтисодийни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш мақсадида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 25 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроеқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз солиқ тизими самарадорлигини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан пойтахтда ташкил этилган кўргазмали семинар мазкур қарор мазмун-моҳияти, 2014 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ қончилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва бошқа вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг изчил эркинлаштирилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг солиқ имтиёзлари берилган мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиш суратларини таъминлашда муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Иқтисодиётимизнинг муҳим таянчига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, соҳа учун солиқ юкини камайитириш ишлари изчил давом эттирил-

моқда. Бу мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг номи қайд этилган қарорига асосан, 2014 йилдан бошлаб юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга пасайтирилди.

Жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг қуйи шкаласи бўйича солиқ ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизга туширилди. Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорлардан олиннадиган солиқ ставкалари асосан 2013 йил даражасида сақлаб қолинган ҳолда қишлоқ жойларида босма маҳсулотлари билан чакана савдо қилувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси 2014 йил 1 январдан бошлаб, энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан 0,5 бараварига пасайтирилди. Бунда қатъий белгиланган солиқ ставкаси йил бошида амал қилган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб аниқланиши ва йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда ҳам қайта қўриб чиқилмаслиги белгиланган бўлибди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, вазирлик ва идоралар, тижорат банклари, акциядорлик компаниялари вакиллари, ҳуқуқшунослар ва экспертлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси Б.Иминов, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С.Ғафоров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида бозор ислохотларини жадаллаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини мустаҳкамлаш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилишда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Акциядорлик жамиятлари – бозор ислохотлари жараёнида ташкил топган йирик иқтисодий тузилмалардир. Бугунги кунда мамлакатимизда бир минг икки юздан ортиқ акциядорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини қамраб олган мазкур тузилмалар юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни ривожлантириш, жамиятимиз тараққиётини юксалтиришга муносиб улуш қўшаётир.

1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун мазкур тузилмалар фаолиятини тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Утган йилларда ушбу қонунга ўндан зиёд ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

ҚИСҚА САТРАПДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент тўқима-чилик ва энгил саноат институти қошидаги академик лицейда

«Ватан ҳимояси муқаддас бурч» мавзусида тадбир ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонто-

хур туман Кенгагининг ҳисобот конференцияси бўлиб ўтади.

✓ **15-17 ЯНВАРЬ** кунлари Тошкент шаҳар Маънавият ва

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИНИНГ БАЙРАМИ

Ўзбекистонда ҳуқим сураётган тинчлик-осойишталик ва фаровон ҳаёт халқимизга мустақиллик тўхфа этган азиз нёъматдир. Бугун мамлакатимиз эркинлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги посбонлари байрами – Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонланмоқда.



...14 январь куни эрталаб Мустақиллик майдонидан Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг вакиллари тантанали тарзда саф тортиди.

Ватан ҳимоячилари ҳарбий оркестр мусика садолари остида хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Бу анъана замирида халқимизнинг энг бебаҳо нёъмат бўлиши тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва осмонимиз мусаффолигини нақадар қадрлаши мумкин. Ушбу буюк бойлиқни асраб-авайлаш эса энг шарафли ва фахрли касб эгалари – Ватан ҳимоячиларининг муқаддас бурчидир.

Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг миллий армиямиз ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида армиямизни ислох этиши ва унинг мудофаа қудратини, жанговар салоҳиятини, мамлакатимиз суверенитетини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч ҳаётини қўз қорачиғидек асраш бўйича тайёрлигини янада мустаҳкамлашни давом эттириши зарурлиги таъкидланди.

...Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди. Ушбу тантанали лаҳзаларда миллий куч-қудратимиз, буюк

ажодларимизнинг юксак заковати ва мустаҳкам иродаси кўз олдимизда намоён бўлади. Ватан ҳимоячилари қалбда барчамиз учун ягона бўлган Ўзбекистон билан фахрлиниш туйғулари жўш уради. Улар ҳарбий оркестр садолари остида Мустақиллик майдонидан шаҳдам қадамлар билан тантанали саф тортиб ўтади.

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали тадбирлар жойларда ҳам давом этмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида бўлиб ўтган тантаналарда давлатимиз раҳбарининг байрам табригида Ватан ҳимоячилари олдига қўйилган энг муҳим вазифалар қайд этилди.

— Президентимизнинг биз, ҳарбий хизматчиларга кўрсатган амхўрлиги ва эътиборидан миннатдоримиз, — дейди «Шўхрат» медал соҳиби, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири Ойбек Қосимов. — Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафларида хизмат қилар эканмиз, Ватанимизда тинчлик-осойишталикни, халқимиз фаровонлигини, миллатлараро тотувлик муҳитини таъминлаш учун мустақиллигимизни ҳимоя қиламиз ва кўз-қорачиғидек асраймиз. Юртдошларимизнинг «чархасидан табассум ари-масин, осмонимиз мусаффо, фарзандларимиз келажаги порлоқ бўлсин.

Сардор **ТОЖИЕВ**,
ЎЗА мухбири

XXI сағоси

Барча жанбалардан олинган суғил хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззах вилоятида БМТ Тараққиёт дастурининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик» кўшма лойиҳаси доирасида 2010-2013 йилларда амалга оширилган ишлар сарҳисоби ва 2014-2017 йилларга мўлжалланган истикболли режаларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

• Самарқанд шаҳрида «Намунали милиция таянч пункти» республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Булунғур туманидаги «Нурли йўл» маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 381-милиция таянч пункти голибликни қўлга киритди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

• Андижон давлат университетининг янги ўқув мажмуаси фойдаланишга топширилди. Беш қаватли мазкур бинода филология, табиатшунослик ва география факультетлари, малака ошириш маркази, ректорат ҳамда экспериментал биология ва экология лабораторияси жойлашди.

• Қизилтепа туманидаги «Qiziltepa soar» масъулияти чекланган жамиятига 186 минг АҚШ долларлик илғор технологиялар келтириб ўрнатилди. Натижада корхонада Навоий вилоятида биринчи бўлиб, хўжалик совуни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, маҳаллий ёшлардан 12 нафари иш билан таъминланди. Ҳозир корхонада соатига 2 тоннагача маҳсулот тайёрланмоқда.

• Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактабларининг 2-синфи учун мўлжалланган янги чет тили дарсликлари тақдимотини ўтказди. «Kids' English-2», «Deutsch macht spad-2», «Hirondeie-2» деб номланган мазкур дарслик мажмуалари янги давлат таълим стандартлари ва талаблари асосида яратилган бўлиб, жорий йилнинг 11 январидан 20 мартгача республикамизнинг ҳар бир туман (шаҳар)идаги танлаб олинган умумтаълим мактабда тажриба-синов тариқасида ўқитилади.

• Зангиота тумани «Ўртаовул» қишлоқ фуқаролар йиғинига қаршли «Обод турмуш» маҳалласида жойлашган 147-милиция таянч пункти «Намунали милиция таянч пункти» республика кўриктанловининг Тошкент вилояти босқичида биринчи ўринга лойиқ топилди.

ЖАҲОНДА

• АҚШ шимоли-шарқидидаги бир неча штатларда юз бераётган қор бўронлари натижасида жиддий муаммолар юзга келди. Жумладан, Вашингтондаги марказий аэропорт, Нью-Йоркдаги иккита, Чикаго ва Кливленд шаҳарларидаги аэропортларда 5 мингдан ортиқ авиарейслар бекор қилинди. Мамлакатдаги кўплаб таълим муассасалари фаолияти вақтинча тўхтатилди.

• 2014 йилда Хитойда умумий узунлиги 6 минг 600 километрга тенг бўлган янги темир йўл линиялари қурилади. Ушбу лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун 630 миллиард юан (104 миллиард АҚШ доллари) миқдоридан маблағ ажратилади. Бунда қурилиш ишларининг асосий қисми Хитойнинг марказий ва гарбий худудларида амалга оширилади.

• Буюк Британияда декабрдан бери деярли тинмай ёғаётган ёмғирлар сабабли Англиянинг Темза дарёси соҳилларидан тошиб кетди. Натижада Лондон гарби, Оксфордширт графлиги ва Букингемширда катта сув оқими келиши боис юзлаб уйлар сув остида қолган, йўл-транспорт ҳаракати тўхтатилган. Синоптикларнинг айтишича, ёмғир яна бир неча кун давом этиши мумкин.



ALOQABANK

ОАТ «АЛОҚАБАНК»: КРЕДИТЛАР ҲАЖМИ КЕНГАЙМОҚДА

Халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида иш олиб бораётган мижозларга банк хизматлари кўрсатиш, улар фаолиятини кўлаб-қуватлаш, амалий ёрдам бериш, филиалда мижозлар сонини кўпайтириш, янги хизмат турларини таклиф этиш, нақд пул тушумини ошириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарини савдо терминаллари билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ички бозорни маҳаллий озик-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга йўналтирилган дастурлар ижроси бўйича кредитлар беришнинг ҳам кенг йўлга қўйилгани савдо дўконлари, бозорлар ва аҳоли дастурхони тўқинлигини таъминламоқда.

Жумладан, ўтган 2013 йил давомида банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 29 770,2 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

— Ҳар бир тадбиркор ўз ишини бошлашдан аввал ўзига қўлай, ишончли банкни танлайди. Биз «Алоқабанк»ни танладик ва янгиликларимиз. Зеро, «Алоқабанк» билан уч йилдан буён ҳамкорлик қиламиз. Ва ўтган қисқа вақт ичида биргаликда турли-туман лойиҳаларни амалга оширишга муваффақ бўлдик, — дейди НТМ

Банкнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни кўпайтириш, активлар ҳамда кредит портфели сифатини яхшилаш, белгиланган прогноз кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ОАТ «Алоқабанк» Миробод филиали томонидан ҳар бир йўналиш бўйича зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Билим поезди» ўқув маркази директори, «Алоқабанк» мижози Мадина Рўзиева. — Ўқув марказимиз Миробод туманида жойлашган бўлиб, ўтган йиллар мобайнида болаларнинг инглиз тили, мактабга тайёрлов, рус тили, ўзбек тили гуруҳлари ва шахмат тўғрисидаги каби бешта йўналиш бўйича тахсил олишлари учун имкон яратиб келмоқдамиз. Фаолиятимизни кенгайтириш мақсадида Ҳамза туманида марказимиз бўлимини очиб қарор қилдик. Ўқув жўхўзлари олиш ва марказни таъмирлаш ишлари учун «Алоқабанк»дан уч йил муддатга мўлжалланган 10 млн. сўм кредит олдик. Натихада 7 та янги иш ўрни ташкил этилди. Ҳозирда марказда 165 нафар болалар тахсил олади.

Банк фаолиятдан бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин. Умуман олганда, мазкур банк томонидан 2013 йил давомида кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик субъектларига жами 29 159,6 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 280 та янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунини ҳаётга татбиқ этиш натижасида жисмоний шахсларни моддий жихатдан қўлаб-қуватлаш мақсадида жами ажратилган кредитлар қолдиғи

732,7 млн. сўм бўлиб, истеъмол товарлари сотиб олиш борасида бу кўрсаткич 380,5 млн. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан ишлаб чиқариш корхоналарига технологик ускуна ҳамда хом ашё ва материаллар сотиб олиш учун жами 3810,0 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Банкнинг барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан тадбиркор аёлларни қўлаб-қуватлаш учун йил давомида 309 млн. сўм, касб-ҳўнар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 25,5 млн. сўм, оилавий тадбиркорлик ва хўнармандчиликни ривожлантириш учун 110 млн. сўм миқдорда кредитлар берилди.

Аҳамиятли жиҳати, «Алоқабанк» очик акционерлик тижорат банкнинг Миробод филиали томонидан Соғлом бола йилида ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилиб, тадбиркор ва ишбилармонларга, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларига молиявий кўмак бериш, фойдали лойиҳаларни қўлаб-қуватлаш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Фаррух БАҲРОМОВ

Сўраш, жавоб берамиз

Менга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома хўжатларни расмийлаштириш учун зарур эди, такрорий гувоҳнома олиш ҳақида ФХДБ бўлимига мурожаат этсам, туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви бўлим архивида мавжуд эмаслигини айтишди. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклаш тартиби қандай?

А. Исмаилов, Миробод тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 230-231 моддаларига асосан «Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларини тиклаш деганда илгари шундай ёзув бўлганлигини тасдиқловчи етарли асослар бўлганида, уларни қайта тиклаб қўйиш тушунилади». Туғилиш ҳақидаги далолатнома ёзувлари кимга нисбатан тузилган бўлса фақат ана шу шахснинг аризасига биноан тикланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувлари ариза берувчининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида тикланади.

Менинг фарзандим ўн беш ёшда, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси йўқолган, такрорий гувоҳнома олиш учун ФХДБ бўлимига мурожаат этсам, у ерда табиий офат туфайли туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви йўқолган экан. Мен фарзандимга туғилганлик ҳақида гувоҳномани қандай қилиб олишим мумкин?

Е. Обидов, Бектемир тумани

Оила кодексининг 231-моддаси 2-қисмига биноан «Агар ўн олти ёшгача бўлган боланинг туғилиш ҳақидаги ёзув йўқолган бўлса, ёзув боланинг ота-онаси, васийси, хомийси, болалар муассаса маъмуриятининг аризасига биноан тикланади».

Далолатнома ёзувини тиклаш ҳақидаги аризага асосланган ҳўжатлар илова қилиниши зарур.

Менинг фарзандим хорижий давлатда туғилган, ҳозирги кунда беш ёшга тўлди. Баъзи хўжатларни расмийлаштиришда хорижий давлат томонидан берилган туғилганлик ҳақидаги хўжат ноқулайликлар туғдиришмоқда. Бундай хўжатни алмаштиришнинг имкони борми, қаерга мурожаат этишим зарур?

А. Одилов, Чилонзор тумани

Ўзбекистон фуқароларининг хорижий давлатларнинг ваколатли муассасалари томонидан берилган фуқаролик ҳолатларини тасдиқловчи хўжатлари Ўзбекистон Республикасининг гербли гувоҳномаларига алмаштирилиши мумкин.

Хўжатларни алмаштириш фуқароларнинг ёзма аризаларига кўра доимий яшаш жойларидаги ФХДБ органлари томонидан ушбу хўжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида легализация қилинган таржималари (апостиллаштирилган таржималари) асосида, хўжатнинг берилган вақти ва жойини кўрсатган ҳолда ва тикланган далолатнома ёзувларини қайд этиш орқали амалга оширилади.

Дилора СУЛЕЙМАНОВА, Олмазор туман ФХДБ бўлими мудираси

Амаким менга ҳовли жойини ҳада қилиб кетган. Ҳозирда уни сотиб, машина олмоқчиман. Машинани сотаётганимда олди-сотди шартномаси учун турмуш ўртоғимнинг розилиги талаб қилинадими?

Н. Тошматов, Олмазор тумани

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 25-моддасида шундай белгиланган: «Эр-хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулк, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулк улардан ҳар бирининг ўз мулк ҳисобланади.

Ушбу мулкларни тасаруф этишда сотаётганида турмуш ўртоғининг розилиги талаб этилмайди. Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасаруф этиши билан боғлиқ битим тузилганида, бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилади. Бунга мувофиқ айтиш мумкинки, олди-сотди шартномасида масаланинг ана шу тарафи кўриб чиқилади. Агар ҳақиқатдан ҳам никоҳ давомида ҳада ёки мерос тариқасида мол-мулк сизга қолган бўлса ва бу расмийлаштирилган бўлиб, етарли хўжатлар тақдим этсангиз, турмуш ўртоғининг розилиги шарт эмас. Агар бу мулк эр-хотин ўртасида умумий, деб ҳисобланса, бу ҳаракатда турмуш ўртоғининг ёзма тарздаги розилиги керак бўлади.

Васила КАРИМОВА, Шоира АБДУСАМЕТОВА, Чилонзор тумани ДНИ нотариуслари

Сергели туманидаги 317-мактабда тумандаги таянч мактаблар директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари учун «Таълим муассасасида тарбиявий ишлар тизимини самарали ташкил этиш» мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди.

САРҲИСОБ

Тадбир давомида мактабларда маънавий-маърифий ишларни тўри йўлга қўйиш, ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда тарбиявий соатларнинг аҳамияти, қолаверса, «Ораста қизлар» ва бошқа маънавий-маърифий йўналишдаги тўғарақлар, «Отаналар университети», «Оталар кенгаши» сингари мактаб қошидаги кичик ташкилотлар фаолиятини янада кўчатириш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

— Мактабимизда «Хар бир ўқувчига бир китоб» ойлик акцияси, қолаверса, ҳар ҳафтанинг душанбаси — «Кийиниш, одоб-ахлоқ, муомала маданияти», сешанба — «Спорт-соғломлаштириш», чоршанба — «Оммавий маданиятга қарши курашиш», пайшанба — «Хонадон ва экология», жума — «Ораста қизлар» ва шанба — «Китобхонлик» каби белгиланган кунлар доирасида бир қатор маънавий-маърифий, ахлоқий тарбиявий ишлар амалга ошириб келинмоқда, — дейди 317-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Б.Хидирова.

— Ушбу ишларнинг самараси ўларок, ўқувчиларимизнинг ўзлаштириш кўрсаткичи юқори ва улардан ҳеч бири жиноий қилмиши ёки хулқи ноқобиллиги боис туман прокуратураси ҳузуридаги вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссиянинг рўйхатида турмайди.

Тадбир якунида келгусида амалга ошириладиган ишлар хусусида таклиф ва ташаббуслар ўртага ташланиб, улардан энг самаралари белгилаб олинди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

Таъкидлаш керакки, мактаб, лицей, коллеж, университет, маҳалла ҳамда корхона ва ташкилотларда диний ақидапарастлик, одам савдосига қарши курашиш ва уларнинг олдини олиш борасида турли тадбирлар ўтказилаётир. Уларда ёшларимизнинг мана шундай ғаразли иллатлар билан шуғулланмаётган айрим кимсаларга алданиб қолмасликларини учун тушунтириш ва масхалатлар берилмоқда.

Чилонзор туманидаги 128-умумтаълим мактабида ҳам вояга етмаган ёшлар ўртасида диний ақидапарастлик, одам савдосига қарши курашиш ва хўқубзарликларнинг олдини олишга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Ён-атрофга бир назар ташлайлик. Яшаш жойидан олисда не-не азобларда мураккаб шароитларда ишлаб, иш ҳақини ололмайд юртимизга қайтаётган ватандошларимиз оз эмас. Сўраб-суриштирсангиз уларнинг аксарияти ёш йигит-қизлардир. Улар мўмайгина пул топиш илжини одам савдоси қурбонига айланади қолишмоқда. Кўлаб фуқароларимиз бундан моддий ва маънавий зарар кўриш билан бирга, ўз соғлигини

Божхона ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган боғхона комплекси ходимлари томонидан ҳўқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида нақд хорижий валюталар, тилла ва заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилмоқда.

Республикаимиз ҳудудидан ноёб ва маданий бойликларнинг олиб чиқиши ёки олиб кирилиши миллий ва халқаро қонунчиликка асосан йўлга қўйилган. Амалдаги тартибларга кўра, эллик йил муқаддам ва ундан ҳам олдинроқ яратилган маданий бойликлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетилмайди. Агарда, маданий бойликларнинг мамлакатимиздан олиб чиқиши ёки вақтинча олиб чиқиши зарурати бўлган тақдирда бу жараён тегишли идора экспертларининг хўлосаси ва рўхсати билан амалга оширилади.

Шунга қарамай, айрим шахслар томонидан маданий бойликларимизни ҳеч қандай хўжатларсиз қинғир йўллар билан олиб чиқишга бўлган уринишлар учраб турибди. Яқинда ана шундай ҳолатлардан бири «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган боғхона комплекси ходимлари томонидан фўш этилди.

«Тошкент-Боку» йўналишида парвоз олдидан наманганлик М.Ибрагимованин кўл юклари назорат-рентген аппаратидан ўтказилганда, монитордаги тасвирларнинг шубҳали тус олиш боғхоначиларни жомадон тутқичларини ҳам синчиклаб кузатишга ундади. Амалдаги тартибларга мувофиқ ва ҳолислар иштирокида бағаж тутқичлари очиб кўрилганда, уларнинг орасига моҳирлик билан кўп миқдордаги тилла тангалар жойлаштирилгани фўш қилинди.

Боғхона баённомасида қайд этилмаган ва оғзаки сўровлар пайтида маълум қилинмаган ушбу 64 дона тангалар XIX асрда соф олтиндан зарб қилинган бўлиб, уларнинг оғирлиги 450 гр.ни қиймати эса дастлабки маълумотларга кўра, салкам 50 млн. сўмни ташкил қилиши аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йил давомида боғхоначилар томонидан аниқланган 85 та қонунбузилиш ҳолатларида салкам 2,5 минг дона ноёб тарихий ва маданий буюмларнинг олиб ўтилишига чек қўйилди.

Амалдаги тартибларга кўра, юртимиздан чиқиб кетаётган хорижий фу-

қаролар кириш чоғида олиб кирган нақд валюталари миқдорига тенг валютани олиб чиқиб кетишлари мумкин. Пекинга парвоз олдидан хитойлик Р.Пей боғхона баённомасида 500 АҚШ долларини олиб кетаётганлигини маълум қилади. Аммо, унга тегишли бағаж рентген назоратидан ўтказилганда, ушбу чет эл фуқароси боғхона назоратидан яширган ҳолда 9600 АҚШ долларини олиб ўтишга урингани аниқланди.

Бу боғхоначилар томонидан 2013 йил ичида 3,1 млрд. сўмдан ортиқ эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилиши бўйича аниқланган 830 га яқин ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Жисмоний шахсларнинг республикаимизга умумий оғирлиги 30 граммдан ошмайдиган қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган фақатгина бештагача заргарлик буюмларини олиб киришлари мумкинлигига риоя қилмаган андижонлик фуқаро Р.Мадаминова боғхоначилар қаршисида ер чиноб қолди. Амалдаги тартибларга зид тарзда ва яширин равишда олиб киришга урингани сабаб унинг қиймати 25,6 млн. сўмдан ортиқ салкам 641 гр. оғирликдаги 127 дона тилла ва заргарлик буюмлари энди ўрнатилган тартибда давлат фойдасига мусодара қилинади.

Бинобарин, ўтган йилнинг охирига қадар республикаимиз боғхоначилари қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 286 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 6,8 млрд. сўмдан ортиқ бўлган салкам 87 кг. сўмлик тилла ва заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан боғхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Ҳўсен ТАНГРИЕВ, Давлат боғхона кўмитаси Матбуот хизмати катта инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузуридаги академик лицейнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ва Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимларига танлов ўтказилмоқда

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Умид кўчаси, 1а-уй.

Телефон: +99871 252-23-35.

Спорт янгиликлари

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси ташаббуси билан дунё клубларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра Ўзбекистон чемпиони ҳамда Биллур Кубок соҳиби «Бунёдкор» жамоаси 172-ўринга лойиқ кўрилди.

Рейтинг жадвалини ҳамон Германиянинг «Бавария» командаси карвонбоши сифатида бошқариб келаётган бўлса, ундан кейинги фахрли 2,3-ўринларни Испаниянинг «Реал» ҳамда Англиянинг «Челси» жамоалари эгаллаб туришибди.

Футбол бўйича мамлакат XXIII миллий чемпионати ҳамда Осиё чемпионлар лигаси турнирининг саралаш баҳсларига жиддий ҳозирлик кўраётган Тошкентнинг «Локомотив» ва Қаршиннинг «Насаф» жамоалари ўртоқлик учрашувида куч синашишди.



Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган сурат

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ИККИНЧИ

Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида 300 нафардан зиёд спортчилар комбат-айкидо бўйича Ўзбекистон очик чемпионатида ўзаро куч синашдилар.

Мусобақа натижаларига кўра болалар ва ўсмирлар баҳсида пойтахтлик Абдулмалик Йўлдошев, Нурилом Йўлдошев, Муҳаммад Йўлдошев, Убайдулла Дадажонов, Тошкент вилояти вакиллари Абдулла Саъдуллаевлар чемпионатнинг голибига айланишган бўлса, катталар ўртасида кечган беллашувларда бухоролик Иноят Ражабов, фахрийлар ўртасида эса пойтахтлик Рустам Ҳасанов каби устоз спортчилар шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди. Жамоавий баҳсларда андижонлик спортчилар биринчи, пойтахтликлар иккинчи ва наманганликлар учинчи ўринни эгалладилар.

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол уюшмаси — ФИФАнинг 2013 йил якунларига бағишланган тадбири бўлиб ўтди.

ЭНГ КУЧЛИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Унда турли давлатлар футбол федерациялари президентлари, ўз даврининг юлдузлари бўлган фахрийлар, футбол мутахассислари, мутахассислар ҳамда бугунги куннинг бир қатор етук футболчилари иштирок этишди.

Одатдагидек маросимда йилнинг энг яхши мураббийи, энг яхши аёл футболчиси, рамзий терма жамоа, йилнинг энг чиройли голи, «Fair Play» совринини кўлга киритган терма жамоа ва 2013 йилнинг энг кучли футболчиси номлари эълон қилинди.

Дастлаб рамзий терма жамоа билан таъинланди. Ундан куйидаги футболчилар жой олишди. Дарвозабон Мануель Нойер, ҳимоячилар Филипп Лам, Серхио Рамос, Тиаго Силва, Дани Алвес. Ярим ҳимоячилар Иньеста, Хави ва Рибери, Роналду, Ибрагимович ва Месси ушбу терма жамоанинг ҳужумчилари деб эътироф этилди.

Йилнинг энг яхши мураббийи деб ўтган мавсумда ўз жамоаси билан кўплаб йirik мусобақаларда ғалаба қозонган, «Бавария» клубининг собиқ бош мураббийи Юпп Хайнкес тан олинди. Аёллар футболда энг яхши бош мураббий Германия терма жамоаси бош мураббийи Сильвия Найд бўлди. Энг яхши аёл футболчи номига германиялик дарвозабон Надин Анггерер сазовор бўлди. «Fair Play» соврини эса Афғонистон терма жамоасига берилди. Энг чиройли гол муаллифи — Златан Ибрагимович.

Мазкур тадбирнинг олдингиларидан фарқли жиҳати шундаки, унда биринчи бор ўтган асрда ўзининг ёрқин ўйинлари билан ном қозонган футболчи фахрий «Олтин тўп» соврини топширилди. Ушбу соврин XX асрнинг энг яхши футболчиси, футбол қироли Пелега тақдим этилди.

Шундан сўнг тадбирнинг энг ҳаяжонли дақиқалари бошланди. 2013 йилнинг энг яхши футболчисини аниқлаш фурсати келди.

Маълумки, ушбу совриннинг сўнгги саралаш босқичига уч футболчи: мавсумни юқори савияда ўтказган ва Португалия терма жамоасининг жаҳон чемпионати финал босқичида иштирок этишига жуда катта ҳисса қўшган «Реал» клуби ҳужумчиси Криштиану Роналду, ажойиб тўпурарлик қобилиятига эга, Аргентина терма жамоаси ва «Барселона» клубининг ҳужумчиси Лионел Месси ҳамда «Бавария»нинг ўтган мавсумдаги ютуқларига муносиб ҳисса қўшган франциялик ярим ҳимоячи Франк Риберилар етиб келишди.

Терма жамоалар бош мураббийлари ва жамоа сардорлари ҳамда спорт журналистлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра «Олтин тўп» «Реал» жамоасининг португалиялик ҳужумчиси Криштиану Роналдуга насиб этди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз, Роналду 2008 йилги мавсумда ҳам дунёнинг энг зўр футболчиси номига сазовор бўлган. Ушбу натижа билан «Реал» жамоаси ва Роналдунинг барча мухлисларини табриклаймиз.

Абдували СОДИҚОВ, Жавоҳир ТОШҲУҲАЕВ

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Жорий йилда ҳам фақат совринли ўринлар учун кураш олиб бориши аниқ бўлган ушбу жамоалар ўртасидаги беллашув қизиқарли, шиддатли курашлар остида ўтди. Ай-тиш жоизки, ҳар икки дарвоза олдида кўп марта хавфли вазиятлар юзага келди. Шу кунни учрашувни бевосита ста-

диондан кузатган мухлислар 4 та голнинг гувоҳи бўлишди. Баҳс 2:2 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди. Дарвозаларга голларни «Локомотив»дан — Исломулло Тўхташхўжаев, Виктор Карпенко, «Насаф»дан — Фаррух Сайфиев ва Абдулазиз Убайдуллаевлар киритишди.

НИМЧОРАК ФИНАЛ МУРАККАБ КЕЧДИ

Мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракеткаси Денис Истомин Австралиядаги нуфузли халқаро турнирда иштирок этди.

Гап шундаки, нуфузли мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Денис Истомин дастлабки учрашувини ғалаба билан бошлаган, сўнгра рақиб Чилич билан кечган иккинчи беллашувда ҳам зафар кучиб нимчорак финалда ўйнаш ҳуқуқини кўлга киритган эди.

Нимчорак финал учрашувида россиялик Дмитрий Турсуновга рўбарў келган Денисдан омад юз ўғирди. Икки сет давом этган баҳс 7:6, 6:2 ҳисобида россиялик теннисчининг ғалабаси билан якунланди.

Айни кунларда Нигина Абдураимова, Окгул Омонмуродова, Сабина Шариповалар Тошкентда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этишмоқда.

КУБОК БАҲСЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Гап шундаки, февраль ойида Қозоғистоннинг Остона шаҳрида теннис бўйича Халқаро теннис федерацияси Кубоги баҳслари бўлиб ўтади. Унда юқорида номлари зикр этилган спортчиларимиз омадларини синаб кўришади.

Ҳозирда пойтахтимизда кунига икки маҳалдан ташкил этилаётган ўқув-машғулот йиғинларида мураббийлар кўригидан ўтаётган ёш теннисчиларимизнинг кайфиятлари аъло даражада.

Биз уларга 2014 йилдаги дастлабки расмий халқаро турнирда муваффақият ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан куйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
Директорлик лавозимига		
1	Мирзо Улугбек транспорт касб-ҳунар коллежи	Мирзо Улугбек тумани, Дархон кўчаси, 6-уй, индекс 700052
2	Тушин политехника университети қошидаги академик лицейи	Олмазор тумани, Умид кўчаси, 1-а-уй
3	ТИМИ қошидаги интернейшн хауз академик лицейи	Мирзо Улугбек тумани, Қориниёзов кўчаси, 39-уй, индекс 100141
4	Сергели тиббиёт коллежи	Сергели тумани, Куйлиқ 5-мавзеси, индекс 100198
5	Сергели саноят касб-ҳунар коллежи	Сергели тумани, Лутфиқор кўчаси, 2-мавзе, 64-а уй, индекс 100012
6	Тошкент алоқа коллежи	Шайхонтоҳур тумани, Турккўрган кўчаси, 9-уй, индекс 100200
7	ТТИМИ қошидаги Миробод академик лицейи	Миробод тумани, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй, индекс 700167
8	Олмазор тиббиёт коллежи	Олмазор тумани, Шифокорлар шаҳарчаси, Шифокор 2-кўчаси, 6-12 ўқув бинолари

Танловда олий маълумотли, камидан 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1.Сўровнома (справка-объективка).
- 2.Таржимаи ҳол.
- 3.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси.
- 4.Илмий даража ва илмий унвони

(мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.

- 5.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
- 6.3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
- 7.Паспорт (нусхаси).
- 8.Тавсифнома.
- 9.Меҳнат дафтарчасидан нусха.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Кўзлар кўзгусида кўнгил сирлари акс этади.

* * *

Тўғри ўсган дарахтни қайириш қийин.

* * *

Омонат ипни биров узиши шарт эмас — бир кунни ўзи ҳам узилиб кетади.

* * *

Ҳаёт ўзига узатилган қўлни тутмай қўймайди.

* * *

Тоғдан оғир тириклик юки.

* * *

Нодон дўст ёнингдаги душман.

* * *

Қатъиятсиз кимсани ҳаёт бўронлари чирпирак қилиб ўйнайди.

* * *

Очкўзнинг насибаси эрта қирқилади.

* * *

Шубҳа дарахтининг минг битта илдири бор.

* * *

Куч бўлиниб кетса, яхлит натижа бермайди.

* * *

Дарахтга ҳосилига қараб баҳо берадилар.

* * *

Омонат муносабатларга ҳар нарса баҳона бўлади.

* * *

Ёмоннинг жимиб кетгани янги бир фитна ҳозирлаётганидан дарак беради.

* * *

Муттаҳам ўз манфаати учун ҳақиқат талаб қилади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



ЎЗГИДРОМЕТ 2-4 даража илқ бўлади. **ХАБАР ҚИЛАДИ** Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 16 январда Тошкент шаҳрида 16 январь кунини ҳаво ўзгариб турганда, ёғингарчилик (ёмғир, қор) эҳтимоли бор, туман тушиши мумкин. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 2-4 даража соғуқ, кундузи —

шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратлади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz



Буюртма Г- 156

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12877 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.50